



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 18 сентябрь, № 192 (8815)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ГЕРМАНИЯ: ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МУҲИМ ТАКЛИФ ВА ТАШАББУСЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 сентябрь куни
Остона шаҳрида иккинчи «Марказий Осиё — Германия» саммитида иштирок этди.



Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев раислигида ўтган тадбирда Германия Федерал Канцлери Олаф Шольц, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркменистон Президенти Сердар Берdimухамедов ҳам қатнашди.

Марказий Осиё мамлакатлари ва Германия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқни янада чуқурлаштириш масалалари кўриб чиқилди. Инвестиция ва технологиялар, ўта муҳим хомашё ресурслари, «яшил» энергетика, транспорт ва логистика алоқалари, иқлим ўзгаришига қарши курашиш соҳаларида шериклиқни ривожлантириш, шунингдек, таълим ва маданий дастурларни амалга ошириш масалалари алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида Германия Марказий Осиё мамлакатларида олиб борилаётган демократик ўзгаришлар ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни, минтақадаги ҳамкорлик ва интеграцияни қатъий ҳамда ўзгармас қўллаб-қувватлаётганини юқори баҳолади.

— Бизнинг Берлиндаги илк учрашувимиз ва бугунги саммит

аниқ, амалий натижаларга эришишга қаратилган очiq конструктив мулоқотимизни давом эттиришга бўлган умумий интилишимизни яна бир бор тасдиқламоқда, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари Германия билан муносабатлар чуқур тарихий илдизларга эга экани, Марказий Осиёда барқарор ривожланиш мақсадларини таъминлашда Федератив Республиканинг муҳим ўрнини алоҳида таъкидлади. Сўнгги йилларда минтақада юз берган чуқур ўзгаришлар ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни жадал ривожлантиришга хизмат қилаётгани қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Марказий Осиёнинг Германия билан ҳар томонлама ҳамкорлигини янада ривожлантириш мақсадида бир қатор янги ташаббус ва таклифларни илгари сурди.

Аввало, Ўзбекистон раҳбари Марказий Осиё ва Германия ўртасида стратегик минтақавий шериклик ўрнатилганини юқори баҳолаб, устувор йўналишларда дастурий тадбирларни қамраб олган ўзоқ муддатли Ҳамкорлиқни ривожлантириш концепциясини қабул қилишни таклиф этди.

Ушбу ҳужжатни ишлаб чиқиш

учун «Марказий Осиё — Германия» тахлилий марказлари форумини таъсис этиш ва унинг биринчи учрашувини келгуси йили Хивада ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Саммитлар кун тартибини тайёрлашда мамлакатларимиз ташқи сиёсат идоралари раҳбарларининг йиллик учрашувлари муҳим роль ўйнаши қайд этилди.

Германиянинг етакчи компаниялари билан инвестициявий ва технологик шериклиқни қучайтириш устувор вазифа ҳисобланади.

Шу муносабат билан Марказий Осиё мамлакатлари ва Германия ўртасидаги инвестициявий ва технологик ҳамкорлиқни кенгайтириш бўйича «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш, минтақада қўшма лойиҳаларни амалга оширишга Германиянинг етакчи компания ва банклари фаол жалб этиш, «Марказий Осиё ва Германия» инвестор ва тадбиркорлари кенгашини тузиш, шунингдек, инвестицияларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича кўп томонлама ҳукуматлараро битимни қабул қилиш имкониятларини ўрганиш таклиф этилди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ГЕРМАНИЯ» ИККИНЧИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Хурматли делегациялар раҳбарлари!
Сизларни қутлашдан чин дилдан мамнунман.

Самимий қабул ва учрашувимизни юксак даражада ташкил этгани учун Қозоғистон Республикаси Президенти хурматли Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаевга билдирилган миннатдорлик сўзларига қўшилиман.

Германия Федерал Канцлери хурматли Олаф Шольц Жаноби Олийларига минтақамиз мамлакатлари билан кўп қиррали шериклиқни кенгайтириш тарафдори эканлиги учун ташаккур изҳор қиламан.

Бизнинг Берлиндаги илк учрашувимиз ва бугунги саммит очiq ва конструктив мулоқотимизни давом эттириш, аниқ, амалий натижаларга эришишга бўлган умумий интилишимизни яна бир бор тасдиқламоқда.

Биз илгари сурилаётган ташаббуслар экспортизаси ва уларни амалга ошириш механизмларини шакллантирадиган мана шундай форматдаги учрашувларни мунтазам ўтказиб боришдан манфаатдоримиз.

Хурматли Федерал Канцлер Жаноби Олийлари!

Биз Германиянинг мамлакатларимизда олиб борилаётган демократик ўзгаришлар ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни, Марказий Осиёдаги ҳамкорлик ва интеграцияни қатъий ҳамда ўзгармас қўллаб-қувватлашни юксак қадрлаймиз.

Шуни алоҳида таъкидлайманки, бизнинг муносабатларимиз чуқур тарихий илдизларга эга. XVIII асрдаёқ Европадаги Маърифатпарварлик даврининг буюк бастакори Гендель ўз ижодининг шоҳ асарларидан бири бўлган «Амир Темуш» операсини яратган. Буюк шоир ва файласуф Гёте ўзининг бир қатор машҳур асарларини цивилизация марказлари бўлган қадимий шаҳарларимизга бағишлаган.

Яна бир тарихий мисолни келтираман. XX аср бошида Марказий Осиёнинг бир гуруҳ истаёбдодли, тараққишпарвар ёшлари Германиянинг етакчи университетларида таҳсил олишган ва кейинчалик маърифатпарварлик гошларини илгари суриш, минтақамиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётига катта ҳисса қўшганлар.

Таъкидламоқчиманки, биз бугун Германияни барқарор ривожланиш бўйича миллий мақсадларга эришишда муҳим ҳамкорларимиздан бири сифатида кўраимиз.

Сўнгги йилларда Марказий Осиёда рўй бераётган чуқур, фундаментал ўзгаришлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Биз очiq ва самарали мулоқотни йўлга қўйдиқ, чегара, сув, энергетика, савдо, транзит билан боғлиқ қўллаб муаммоларни мустақил ҳал қилаймиз.

Яқинда бу ерда, Остона шаҳрида минтақа давлатлари раҳбарларининг олтинчи учрашувини ўтказдик.

Минтақанинг халқаро субъект сифатидаги ўрни мустаҳкамланмоқда, жаҳоннинг етакчи

мамлакатлари билан «Марказий Осиё плюс» форматидagi ҳамкорлиги кенгаймоқда.

Минтақа ичидаги савдо айланмаси, инвестициялар, юк ташувлари, фуқароларимизнинг сайёҳлик ташрифлари кўрсаткичлари бир неча баробар ўсди.

Биз «яшил» энергетика ва транспорт коммуникацияларини ривожлантириш соҳаларидаги йирик минтақавий лойиҳаларни амалга оширишни муҳокама қилаймиз.

Тажриба ва технологияларни алмашяпмиз, саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида замонавий корхоналар ташкил этиямиз, кооперация лойиҳаларини рағбатлантириш бўйича молиявий воситаларни жорий қилаймиз.

Энг муҳими, минтақамизнинг эртанги куни, унинг хавфсизлиги ва барқарор тараққиёти фақат бизнинг сиёсий иродамиз ва саъй-ҳаракатларимизга боғлиқ эканини аниқ тасаввур қилмоқдамиз.

Биз европалик шерикларимиз, энг аввало, Европа Иттифоқининг мамлакатларимиз билан ҳамкорлик бўйича стратегия ва кўп томонлама дастурларининг асосий ташаббускори бўлган Германиянинг қизқиқчиларини самимий олқишлаймиз.

Келгуси йили «Марказий Осиё — Европа Иттифоқи» форматидagi навбатдаги саммитни Ўзбекистонда, минтақа келажагига инвестициялар киритишни учрашувимиз кун тартибидagi асосий мавзу сифатида белгиланган ҳолда ўтказишга тайёргарлик кўрапмиз.

Хурматли ҳамкасблар!

Можаролар ва урушлар, умуман, глобал миқёсдаги беқарорлик ва вазият қайси томонга ўзгариши ноаниқ бўлиб қолаётгани, санкциялар сиёсати, оптимизациянинг кучайиши ва бошқа қўллаб омиқлар мамлакатларимизга ҳаддан ташқари салбий таъсир кўрсатмоқда, миллий ислохотларимизни амалга оширишда жиддий синовга айланмоқда.

Кечагина хурматли Олаф Шольц Жаноби Олийлари билан Самарқанддаги музокараларимиз чоғида мен бугунги учрашувимиздан кутаётган юксак натижалар ҳақида фикр алмашдим.

Шу муносабат билан Марказий Осиёда Германия билан ҳамкорлиқни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича қарашларимизни баён этишни истар эдим.

Биринчи. Марказий Осиё ва Германия ўртасидаги минтақа барқарорлиги, барқарор ривожланиши ва фаровонлигини таъминлаш бўйича умумий манфаатларимизга жавоб берадиган стратегик минтақавий ҳамкорлиқни юксак қадрлаймиз.

Устувор соҳаларда дастурий тадбирларни қамраб олган, ўзоқ муддатга мўлжалланган Ҳамкорлиқни ривожлантириш концепциясини қабул қилишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Ушбу ҳужжатни ишлаб чиқиш учун «Марказий Осиё — Германия» таҳлил марказлари фо-

румани таъсис этиш имкониятларини кўриб чиқишни таклиф қиламиз. Унинг биринчи мажлисини келгуси йили немис-меннонитларнинг катта жамоаси яшаган минтақадаги қадимий шахарлардан бири — Хивада ўтказишга тайёремиз.

Шунингдек, саммитларимиз кун тартибининг тайёрлашда мамлакатларимиз ташқи сиёсат идоралари раҳбарларининг йиллик учрашувларига муҳим аҳамият қаратамиз.

Иккинчи. Германиянинг етакчи компаниялари билан инвестициявий ва технологик шериклик.

Шуни таъкидлашни истардимки, Ўзбекистонда немис компаниялари иштирокида амалга оширилаётган ва истиқболли лойиҳалар умумий портфели 20 миллиард евродан ошади. Улар энергетика, кимё ва тоғ-кон саноати, машинасозлик, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби йўналишларни қамраб олади.

Шерикларимиз орасида Германиянинг етакчи, жумладан, «Siemens», «Linde Group», «BASF», «MAN», «Claas», «Henkel», «Knauf» компаниялари ва бошқа ишлаб чиқарувчилари сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига 6 миллиард евро сармоя киритди.

Бугун бизда немис бизнеси вакиллари билан истиқболли режаларни муҳокама қилиш имконияти бўлади.

Ишбилармонликка доир ҳамкорлиқни ривожлантириш мақсадида қуйидагиларни таклиф этаман: Марказий Осиё мамлакатлари ва Германия сармоявий ва технологик ҳамкорлигини кенгайтириш бўйича «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш; чегара ҳудудларида ташкил этилаётган махсус иқтисодий ва саноат зоналаридаги лойиҳалар, минтақавий аҳолига эга йирик инфрақурилиш лойиҳаларини амалга оширишга етакчи немис компаниялари ва банклари жалб этиш; доимий бизнес-мулоқот майдончаси — «Марказий Осиё ва Германия» инвестор ва тадбиркорлари кенгашини ишга тушириш. Унинг биринчи учрашувини келгуси йили Ўзбекистонда, Тошкент инвестиция форуми доирасида ўтказишга тайёремиз; инвестицияларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги кўп томонлама ҳукуматлараро битимни қабул қилиш имкониятини кўриб чиқиш.

Учинчи. Германиянинг илғор билим ва технологияларини жорий этиш асосида муҳим хомашё ресурслари соҳасида шериклик.

Таъкидлаб ўтилганидек, минтақамиз фойдалани қазилмаларга бой. Германия минерал ресурслар агентлиги ва немис компаниялари бу соҳада бизнинг муҳим шерикларимиз бўлиши мумкин. Бу ўринда гап геологик разведка, конларни жадал ўзлаштириш, қайта ишлаш ва юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, Германия ва Европа Иттифоқининг бошқа мамлакатларига маҳсулот етказиб беришни ташкил этиш борасидаги лойиҳалар ҳақида бормоқда. Ўзбекистон қўшни мамла-

катларда бундай лойиҳаларни биргаликда амалга оширишга тайёр.

Минтақамизда аниқланган муҳим хомашё ва нодир металл конларининг рақамли харитасини яратиш бўйича дастури ишлаб чиқишда Германия техник кўмагини жалб этиш истиқболли ҳисобланади. Шунингдек, бу соҳадаги ҳамкорлиқнинг ишончли ҳуқуқий базасини шакллантириш муҳим деб ҳисоблаймиз.

Тўртинчи. «Яшил» энергетика. Сўнгги йилларда минтақамиздаги барча мамлакатлар куёш, шамол ва сув энергетикасини фаол ривожлантирмоқда, иссиқлик станциялари ва тармоқларини модернизация қилмоқда, «яшил» водород лойиҳаларини илгари сурмоқда.

Энергетика вазирликлари, корпорациялар, операторлар, илмий ташкилотлар, лойиҳа институтлари ва тармоқ экспертларини жалб этган ҳолда Марказий Осиё мамлакатларининг Германия билан Энергетика соҳасидаги мулоқотини йўлга қўйиш имкониятини кўриб чиқиш таклиф этамиз.

Биз Германия техник кўмагини жалб этган ҳолда Кам углеродли иқтисодиёт соҳасида мутахассислар салоҳиятини ошириш бўйича комплекс дастурий тайёрлашдан манфаатдоримиз.

Бешинчи. Иқлим ўзгаришларига биргаликда жавоб қайтариш.

Экспертларнинг баҳоратига кўра Марказий Осиё минтақаси глобал иссиқ оқибатлари олдида ҳаммадан кўра заиф бўлиб қолаверади. Минтақада ўртача ҳароратнинг ошиши жаҳондаги умумий кўрсаткичдан икки баробар кўпроқ бўлади.

Германия томонига «Яшил Марказий Осиё» дастурининг иккинчи фазаси ишга туширилгани, экологик лойиҳаларни амалга оширишда кўрсатилаётган ёрдам учун миннатдорлик билдираман. Биз Атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришларини ўрганиш бўйича Марказий Осиё университети базасида қўшма таълим дастурлари ва илмий алмашувларни амалга ошириш, сувдан оқилон фойдаланишда немис технологияларини жорий этиш, ирригация тизимларини модернизация қилиш, биохимия-хилликни сақлаш, мутахассис-экологларни тайёрлашда ҳамкорлик дастурларини қабул қилишдан манфаатдоримиз.

Германия Канцлерининг Марказий Осиё табиат ҳамкорлигини яратиш борасидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаймиз ва амалга оширишда фаол иштирок этишга тайёремиз.

Олтинчи. Транспорт коммуникациялари, шу жумладан, ер усти ва ҳаво ташувлари яхши ривожланмагани ҳамкорлиқни чуқурлаштиришда энг катта тўсиқ бўлмоқда.

Марказий Осиёни Европа билан боғлайдиган муқобил транспорт йўлакларини ривожлантириш борасида Европа институтларини жалб этишда Германиянинг кўмагига умид қиламиз. Келгуси йилда бундай йўналишлар транзит салоҳиятини ошириш йўллари

топиш бўйича вазирларнинг қўшма конференциясини ўтказишни таклиф этамиз.

Хурматли делегациялар раҳбарлари!
Ўтган йили Берлин Янги музейида ташкил этилган минтақамиз маданий-тарихий мероси кўргазмаси бундай тадбирларни доимий равишда ўтказишга катта эҳтиёж мавжуд эканини яна бир бор кўрсатди. Кўргазманинг бир неча ойлик фаолияти давомида Германия пойтахти аҳолиси ва меҳмонларидан ярим миллиондан ортиғи ташриф буюрди.

Биз мамлакатларимизда Маданий тадбирлар қўшма режаси қабул қилиниши тарафдоримиз, Германиянинг йирик шаҳарларида Марказий Осиё санъати ва киноси кунларини ўтказиш имкониятларини кўриб чиқишни, музейлар ҳамкорлигини йўлга қўйишни таклиф этамиз.

Илмий-маърифий алмашувлар соҳасида етакчи олий таълим муассасалари ҳамкорлиги учун платформани ишга тушириш, дуал таълим соҳасидаги ҳамкорлиқни кенгайтириш, Гёте институтини ва Германиянинг бошқа ташкилотларини жалб қилган ҳолда немис тили ўқитувчиларини тайёрлаш бўйича дастурлар ишлаб чиқишни долзарб вазифа, деб ҳисоблаймиз.

Шу йилнинг ёзида Гёттинген шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон олимпиадасида ўзбекистонлик мактаб ўқувчиси эришган галаба ҳам ёшларимизнинг немис тилини ўрганишга бўлган катта қизиқишдан далолат беради.

Хурматли ҳамкасблар!

Терроризм, экстремизм ва кибержиноятчиликка қарши курашиш, ёшларнинг радиоклашувиининг олдини олиш бўйича ақин ҳамкорлиқни давом эттириш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Марказий Осиёда хавфсизлик соҳасидаги вазият Афғонистонда рўй бераётган жараёнлар билан узвий боғлиқдир.

Ўз муаммолари билан деярли яқна ўзи қолган бу мамлакатда гуманитар инқирознинг янада чуқурлашиб кетишига йўл қўймаслик муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Шу муносабат билан Германия ва Европадаги бошқа шерикларимиз билан ушбу мамлакатни минтақавий иқтисодий ҳамкорликка жалб этиш, чегара ёнида жойлашган Термиз шаҳридаги Таълим марказида Афғонистоннинг тинч ҳаёти учун зарур бўлган мутахассисликлар бўйича кадрлар, жумладан, хотин-қизларни тайёрлашга қаратилган қўшма лойиҳаларни амалга оширишга тайёремиз.

Сўзимнинг якунида шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, Ўзбекистон Германиянинг Марказий Осиё минтақаси билан кўп қиррали ҳамкорлик бўйича салоҳияти янада тўлиқроқ рўёбга чиқишидан манфаатдор.

Ишончим комил, бугунги учрашувимиз мамлакатларимиз ва халқларимизни янада яқинлаштиришга хизмат қилади, стратегик шериклигимизни аниқ лойиҳа ва дастурлар билан тўлдириш имконини беради.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ГЕРМАНИЯ: ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МУҲИМ ТАКЛИФ ВА ТАШАББУСЛАР

➡ Германиянинг илгор билим ва технологияларини жорий этиш асосида ўта муҳим ҳомашё ресурслари соҳасидаги ҳамкорлик истиқболли йўналиш сифатида кўрсатиб ўтилди.

— Бу ўринда гап геология разведкаси, жадал ўзлаштириш, қайта ишлаш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, Германия ва Европа Иттифоқининг бошқа мамлакатларига етказиб бериш лойиҳалари ҳақида бормоқда, — деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон бундай лойиҳаларни қўшни давлатларда биргаликда амалга оширишда иштирок этишга тайёрлиги билдирилди.

Бундан ташқари, минтақада аниқланган ўта муҳим минераллар ва нодир металллар қонларининг рақамли хариталарини яратиш дастурини амалга оширишда Германиянинг техник кўмагини жалб қилишдан мамлакатимиз манфаатдор. Бундай ҳамкорлиқнинг ишончли ҳуқуқий базасини шакллантириш муҳимлиги таъкидланди.

«Яшил» энергетика соҳасидаги ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этмоқда.

— Сўнгги йилларда мамлакатларимизда қуёш, шамол, гидроэнергетика фаол ривожланмоқда, иссиқлик станциялари ва тармоқлари модернизация қилинмоқда, «яшил» водород лойиҳалари илгари сурилмоқда, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Давлатимиз раҳбари энергетика вазирликлари, йирик корпорациялар, операторлар, илмий ташкилотлар ва соҳа мутахассисларини жалб қилган ҳолда Марказий Осиё мамлакатларининг Германия

билан Энергетика мулоқотини йўлга қўйишни таклиф қилди.

Германия техник кўмагини жалб қилган ҳолда кам углеродли иқтисодиёт соҳасида мутахассислар салоҳиятини ошириш бўйича комплекс дастурни тайёрлашга қизқиш билдирилди.

Икким ўзгаришига қарши биргаликда курашиш алоҳида долзарблик касб этган.

Шу муносабат билан Марказий Осиё университети негизида атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш бўйича қўшма таълим дастурлари ва илмий алмашинувларни кенгайтириш, шунингдек, Германиянинг сувдан оқилона фойдаланиш технологияларини жорий этиш, сўғориш тизимларини модернизация қилиш, биологик хилмаҳилликни сақлаш, эколог мутахассислар тайёрлаш бўйича ҳамкорлик дастурларини қабул қилиш таклиф этилди.

Ўзбекистон Германия Канцлери томонидан илгари сурилган Марказий Осиё табиат ҳамкорлигини йўлга қўйиш ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва уни амалда рўйбга чиқаришда фаол иштирок этишга тайёр.

— Транспорт коммуникацияларининг, жумладан, ер усти ва ҳаво ташувларининг заиф ривожланганлиги шериклигимизни чуқурлаштиришда энг катта тўсиқ бўлмоқда, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу муносабат билан Президентимиз Германия томонини Марказий Осиёни Европа билан боғлайдиган муқобил транспорт йўлакларини ривожлантиришга Европа институтларини жалб қилишда кўмаклашишга чакирди.

— Транспорт коммуникацияларининг, жумладан, ер усти ва ҳаво ташувларининг заиф ривожланганлиги шериклигимизни чуқурлаштиришда энг катта тўсиқ бўлмоқда, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу муносабат билан Президентимиз Германия томонини Марказий Осиёни Европа билан боғлайдиган муқобил транспорт йўлакларини ривожлантиришга Европа институтларини жалб қилишда кўмаклашишга чакирди.

Давлатимиз раҳбари 2025 йилда бундай йўналишларнинг транзит салоҳиятини ошириш йўллариини излаш бўйича вазирлар конференциясини ўтказишни таклиф этди.

Ўзбекистон Президенти маданий-гуманитар ҳамкорлиқни ривожлантириш муҳимлигини таъкидлаб, қўшма Маданий тадбирлар режасини қабул қилиш, Германиянинг йирик шаҳарларида Марказий Осиё санъати ва киноси кўнларини ўтказиш, музейларнинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш таклифини илгари сурди.

Илмий-таълим алмашинуви соҳасида етакчи олий таълим муассасаларининг ҳамкорлик платформасини ишга тушириш, Гёте институти ва Германиянинг бошқа ташкилотларини жалб этган ҳолда дуал таълим соҳасида ҳамкорлиқни кенгайтириш дастурларини ишлаб чиқиш, немис тили ўқитувчиларини тайёрлаш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, Германия билан терроризм, экстремизм ва киберхавфсизликка қарши курашиш, ёшлар радиклашувининг олдини олиш масалаларида яқин ҳамкорлиқни давом эттириш зарурлиги кайд этилди.

Ўзбекистон раҳбари Марказий Осиёда хавфсизлик соҳасидаги вазият Афғонистонда рўй бераётган жараёнлар билан чамбарчас боғлиқ эканини таъкидлади.

— Ўз муаммолари билан деярли яққа ўзи қолган ушбу мамлакатда гуманитар инқирознинг чуқурлашиб кетишига йўл қўймаслик муҳим, деб ҳисоблаймиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу боис Германия ва Европанинг

бошқа давлатлари билан биргаликда Афғонистонни минтақавий иқтисодий ҳамкорликка жалб қилиш ва чегарадош Термиз шаҳридаги Таълим маркази негизида Афғонистон тинч ҳаёти учун зарур бўлган мутахассислар бўйича кадрлар, шу жумладан, хотин-қизларни тайёрлашга қаратилган қўшма лойиҳаларни амалга оширишга тайёрлик билдирди.

Саммитда Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ва Германия Канцлери ҳам сўзга чиқди.

Тадбир якунида Қўшма баёнот қабул қилинди.

Остона шаҳрига ташриф дастурига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё мамлакатлари етакчилари ҳамда Германиянинг илгор компания ва банклари раҳбарларининг учрашувида иштирок этди.

Тадбирда Германия Федерал Канцлери Олаф Шольц, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов ҳам қатнашди.

Германия ишбилармон доираларига «KNAUF», «Günter Papenburg», «CLAAS», «Siemens Energy», «Aurubis», «Ernst Klett», «Siemens Healthineers», «Herrenknecht», «DB Engineering & Consulting», «Svevid Energy», «Rhenus», «HMS Bergbau» каби етакчи компания ва банклар раҳбарлари вакиллик қилди.

Ўзбекистон Президенти иштирокчиларни салимий кўтлар экан, куни кеча Самарқанд шаҳрида Германия ишбилармон-

лари билан бўлиб ўтган самарали учрашувнинг муваффақиятли натижаларини мамнуният билан қайд этди.

Музокаралар натижалари мамлакатларимиз тадбиркорларида ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш, Германия илгор тажрибаси ва инновацион технологик ечимлари асосида қўшма лойиҳаларни амалга оширишга бўлган қизиқиши ортиб бораётганини кўрсатди.

Давлатимиз раҳбари минтақавий ҳамкорлик доирасида Германия билан шериклиқни янада кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Марказий Осиё минтақаси бугунги кунда барқарор иқтисодий ривожланиш суръатларини намоён этаётган кенг ва жадал бозор экани таъкидланди.

Бунга давлатлар ўртасидаги чегараларнинг очилгани, минтақа ичидаги товар айирбошлаш, инвестициялар, юк ташвиш ҳажми, сайёҳлар борди-келдиси кўпайиши учун зарур шарт-шароитлар яратилгани хизмат қилди.

Давлатимиз раҳбари Марказий Осиё минтақасининг инвестициявий ҳозирдорлигини ошириш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратди.

Шу нуктаи назардан, бугун бўлиб ўтган саммитда ўзаро манфаатли мулоқот учун доимий майдон — «Марказий Осиё ва Германия» инвестор ва тадбиркорлари кенгашии таъсис этиш ва унинг биринчи учрашувини келгуси йил баҳорида Тошкент инвестиция форуми доирасида ўтказиш ташаббуси илгари сурилди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Марказий Осиё мамлакатлари ва Германия ўртасидаги инвестициявий ва технологик

ҳамкорлиқни кенгайтириш бўйича «Йўл харитаси»ни тайёрлашни таклиф қилди. Ушбу ҳужжатга Германия компаниялари инвестициялари оқимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, шунингдек, уларнинг Марказий Осиё мамлакатларидаги фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмлари киритилиши мумкин.

Бугунги кунда минтақадаги ҳамкорлар билан қўшма инвестиция фондлари ва компаниялари кўмагида махсус иқтисодий зоналар ва индустриал хаблар ташкил этилмоқда, sanoat, «яшил» энергетика, қишлоқ ҳўжалигида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда, инфратузилма модернизация қилинмоқда.

Бундай лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида хорижий мамлакатларнинг етакчи муҳандислик марказлари, инвестиция ва sanoat корхоналари фаол жалб этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Германия компанияларини минтақавий кооперация лойиҳаларини ўзаро манфаатли шартларда амалга оширишда фаол иштирок этишга таклиф этди.

Сўзининг якунида Ўзбекистон Президенти Германиянинг етакчи компания ва банклари раҳбарлари билан ўзаро форматдаги мунтазам мулоқотлар ўзаро манфаатли кўп томонлама ҳамкорлик учун кенг имкониятлар очилишига ишонч билдирди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистон Республикасига амалий ташрифи якунланди.

ЎзА.

БРИТАНИЯЛИК ЭКСПЕРТЛАР ЮРТИМИЗДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЮҚОРИ БАҲОЛАДИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоев Буюк Британияга ташрифи доирасида Халқаро стратегик тадқиқотлар институти ҳамда Оксфорд ислом тадқиқотлари маркази вакиллари билан учрашувлар ўтказди.

Мулоқот

Давра суҳбати тарзида кечган учрашувлар давомида Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари, Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик масалалари, шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократия ва бозор исоҳотлари муҳокама қилинди. Бўлажак парламент сайловлари ва долларб минтақавий муаммоларга алоҳида эътибор қаратилди.

Британиялик экспертлар Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида олиб борилаётган исоҳотларни юқори ба-

ҳолаб, уларнинг нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақаси барқарорлиги ва тараққиётига катта таъсири борлигини таъкидлади.

Учрашувлар якунлари бўйича Ўзбекистон ва Буюк Британия таҳлил марказлари ўртасида юртимизда амалга оширилаётган исоҳотларнинг муҳим жиҳатлари ҳамда Марказий Осиёда минтақавий ривожланиш бўйича қўшма тадқиқот, семинар ва конференциялар ўтказиш орқали амалий ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича келишувларга эришилди.

«Халқ сўзи».

СЕНАТ ҚЎМИТАСИДА ХУДУДАЙ ДАСТУРЛАР ИЖРОСИ ЎРГАНИЛДИ

Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий исоҳотлар масалалари қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда «Ер қазри тўғрисида»ги қонун дастлабки тарзда муҳокама этилди. Қонун билан ер ости бойликларига эгаллик қилиш ва уларни тасарруф этиш, шунингдек, ер қаъридан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш чоғида юзага келадиган муносабатлар тартибга солинади.

Қонунда ер қазри участкаларининг ресурслари, ер ости бойликларида фойдаланиш борасидаги махсус ваколатли давлат органлари рўйхати ва уларнинг ваколат доиралари ҳам аниқ белгиланб қўйилмоқда.

Қолаверса, фойдали қазилмалар ўрганилиши ва иқтисодий асосларга кўра классификацияланиб, уларнинг тушуначили ҳамда ер қазри участкаларининг давлат фондига янги «захира фонди» тушуначис киритилиб, унинг моҳияти ёритиб берилмоқда.

Ер ости бойликлари тўғрисидаги маълумотлар очиклиги назарда тутилди, ер қазри участкаларидан фойдаланиш тартиб-таомили таъминлаштирилмоқда.

Қонун сенаторлар томонидан кенг муҳокама қилиниб, Сенатнинг гадидаги ялли мажлисига киритилиши белгиланди.

Мажлисида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган «Йўл харитаси» ижроси ҳамда мазкур

вилоятларда аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш ва бандлигини таъминлаш, иш ўринларини яратиш, тадбиркорлиқни ривожлантиришга қаратилган ишлар ҳолати муҳокама қилинди.

Хусусан, инвестиция дастурлари доирасида Қашқадарёда 111,8 млн. долларлик 253 та, Сурхондарёда 171,1 млн. долларлик 349 та лойиҳа ишга туширилган. Қашқадарё вилоятида 421,1 млн. ва Сурхондарё вилоятида 494,2 млн. долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилган.

Сурхондарёда маҳаллийлаштириш бўйича тармоқ ва ҳудудий корхоналар ўртасида sanoat кооперациясини ривожлантириш, ишлаб чиқаришда занжирли тизимни кенгайтириш мақсадида 36 та лойиҳа бажарилиб, 176,3 млрд. соҳиқ импорт ўрнини босувчи sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилган.

Ўз навбатида, мажлисида ҳудудлардаги ечимини кутаётган камчиликлар ва муаммолар масалалар хусусида ҳам сўз юритилди.

Кўмита мажлисида вазирлик ва идоралар, вилоятлар масъул раҳбарлари ахборотлари ешитилди.

Мажлисида муҳокама этилган масалалар юзасида Сенат қўмитасининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ЎЗАРО АЛОҚАЛАР ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА

Охириги йилларда Ўзбекистон ҳар томонлама ривожланмоқда ва жаҳон майдонида ўзининг мустақам ўрни ҳамда овозига эга бўлиб бормоқда. Бунга халқаро минбарларда давлатимиз раҳбари томонидан қўллаб гоя ва ташаббуслар илгари сурилаётгани, энг муҳими, улар эътироф этиб келинаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Муносабат

Остона шаҳрида бўлиб ўтган «Марказий Осиё — Германия» иккинчи саммити жараёнида ана бир шунга гувоҳ бўлдик. Ўрни Ўзбекистон етакчиси томонидан минтақа учун аҳамиятли бўлган таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди.

Авалло, кейинги йилларда Марказий Осиёда мутлақо ижобий муҳит қарор топиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Хусусан, минтақа давлатлари билан яқин қўшничилик муносабатлари йўлга қўйилди, очик ва самарали мулоқот ўрнатилди. Шу саъй-ҳаракатлар натижасида чегара, сув, энергетика, савдо ва транзит билан боғлиқ қўллаб масалалар муваффақиятли ҳал қилинмоқда. Буларнинг барчасида мамлакатимиз раҳбарининг таърихий хизматлари муҳассам.

Янги таклиф ва ташаббуслар ана

шу ютуқларимизнинг бардавомлигини таъминлаш ҳамда янги марраларни эгаллашга йўналтирилганлиги билан эътиборга молик. Бу ўринда сўз Марказий Осиё давлатлари ҳамда Германия ҳамкорлиги истиқболлари ҳақида бормоқда.

Сир эмас, охириги бир неча йилларда минтақамизнинг халқаро субъект сифатидаги ўрни мустақамланди, жаҳоннинг етакчи мамлакатлари билан «Марказий Осиё плюс» форматдаги ҳамкорлиги кенгаймоқда. Европа Иттифоқи, айниқса, Германия минтақамиз давлатлари билан ҳамкорлик бўйича стратегия ҳамда кўп томонлама дастурларнинг асосий ташаббускори бўлаётганлигини айтиш зарур.

Бунга Германия Федерал Канцлери Олаф Шольцнинг юртимизга амалга оширган ташрифи жараёнида эришилган турли келишувлар ва имзоланган битимлар, хусусан, ўзаро алоқаларни мустақамлаш

йўлида қабул қилинган бир қатор ҳужжатлар ҳам яққол тасдиқлайди.

Шу боис Остона саммитида Президентимиз Марказий Осиё ва Германия ўртасидаги амалий шериклиқни ривожлантириш муҳимлигини таъкидлагани ҳолда мазкур ҳамкорлиқни ривожлантиришнинг асосий йўналишларига алоҳида тўхталди ҳамда ўз таклифларини билдирди.

Авалло, устувор соҳаларда дастурий тадбирларни қамраб олган узок мuddатли ҳамкорлиқни ривожлантириш концепциясини қабул қилиш ва уни ишлаб чиқиш учун «Марказий Осиё — Германия» таҳлилий марказлари форумини таъсис этиш таклифи илгари сурилди. Ушбу таклиф минтақамиз ва Германия ҳамкорлиги истиқболларида қанчалар катта аҳамиятга эгаллигини тушуниш унчалик қийин эмас.

Навбатдаги ташаббус ҳам ҳамкорлиқни мустақамлашга қаратилганлиги билан диққатга сазовор. Зеро, минтақамиз ривожида, шубҳасиз, шу сингари ҳамкорлик алоқаларининг ўрни беқийс.

Кези келганда Ўзбекистонда немис компаниялари иштирокида амалга оширилган ва истиқболдаги лойиҳа-



лар умумий қиймати 20 миллиард евродан ортганини мамнуният билан айтмоқчимиз. Германиянинг «Сименс», «Линде», «БАСФ», «МАН», «Клас», «Хенкель», «Кнауф» ва бошқа қўллаб етакчи компаниялари сўнгги бир неча йилда Ўзбекистон иқтисодиётига 6 миллиард евро сармоя киритди.

Эндиликда ана шу алоқаларни янги босқичга кўтаришдан барча бирдек манфаатдор.

Президентимиз томонидан минтақамизда муҳим ҳомашё ва нодир ер ости металлари аниқланган қонлар рақамли картасини яратиш бўйича дастурни ишлаб чиқишда Германия техник кўмагини жалб этиш, Марказий Осиё давлатларининг Германия билан Энергетик мулоқотини йўлга қўйиш имкониятларини кўриб чиқиш,

ушбу мамлакат техник кўмагини жалб этган ҳолда кам углеродли иқтисодиёт соҳасида мутахассисларимиз салоҳиятини ошириш комплекс дастурини тайёрлаш масалаларига ҳам кенг урғу қаратилди.

Қолаверса, Марказий Осиёни Европа билан боғловчи муқобил транспорт йўлакларини ривожлантиришга Европа институтларини жалб этишда Германия кўмаги муҳимлигига эътибор қаратилиб, келгуси йили ушбу йўналишлар транзит салоҳиятини ошириш йўллариини излаш бўйича вазирлар қўшма конференциясини ўтказиш таклифи билдирилди.

Кўриниб турибдики, ҳар бир таклиф ва ташаббус нафақат заъварли, айнаи чоғда минтақамиздаги давлатлар учун бирдек манфаатли. Шу маънода, биз, парламент вакилларида ушбу ҳамкорлик алоқаларини мустақамлашга ҳисса қўиши йўлида фаоллик кўрсатиш талаб этилади.

Маҳмуджон ПАРТИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Ахборот сиёсати ва давлат
органларида очиклиқни
таъминлаш масалалари қўмитаси
аъзоси.

ҚИЗГИН ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Қуйи палата Спикери Н. Исмоилов мажлис аввалида ўтган ҳафтада юртимиз ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеаларга тўхталиб ўтди. Хусусан, Президентимиз раислигида 11 сентябрь куни қамбағаллиқни қисқартириш ишларини кейинги сифат босқичига олиб чиқиш масалалари муҳокамаси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида бир қатор муҳим ташаббуслар илгари сурилгани, уларнинг ҳаётга самарали татбиқ этилишида парламент аъзолари ҳам фаол қатнашиши лозимлигини таъкидлади.

Қон тартиби тасдиқланган, мажлисида долзарб қонун лойиҳалари, хусусан, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили фаолиятини, қишлоқ ҳўжалиги кооперативи ва темир йўл транспорт соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга, карантин остидаги маҳсулотларнинг фумигацияси бўйича фаолиятини амалга оширишда қўлайлик яратишга, суғурта қилдирувчиларга давлат божини тўлашда имтиёз беришга, тадбиркорларнинг молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга, ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни бартараф этишга қаратилган ҳужжатлар атрофлича кўриб чиқилди.



(фумигация) фаолиятида рақобат муҳитини шакллантириш ва мазкур тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, шунингдек, фумигация фаолиятининг атроф-муҳитга ва фумигация қилинаётган маҳсулотга таъсири кам бўлган усулларини жорий этиш мақсадида фитосанитар зарарсизлантириш хизматларини хусусий секторга ўтказиш назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, карантин остидаги маҳсулотларни зарарсизлантириш (фумигация) фаолиятини лицензиялаш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқлангани, лицензиялаш билан боғлиқ ваколатлар эса Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳўмояси агентлигига берилмоқда.

Қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқилаётган карантин остидаги маҳсулотни зарарсизлантириш (фумигация) фаолиятини лицензиясиз амалга оширганларга ёки лицензияларни қалбаки ҳўжатлардан фойдаланган ҳолда олганлик учун жарима белгилан назарда тутилган.

Мажлисида қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлашда лойиҳанинг кириш қисми батафсил очиб берилгани ҳамда нормаларнинг амалиётда тушунарлилигини таъминлаш мақсадида таҳририй тузатишлар қилингани қайд этилди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси томонидан мамлакат ҳудудидан олиб чиқилаётган карантин остидаги маҳсулотларнинг фумигацияси бўйича фаолиятни лицензиялаш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш юзасидан аниқ мuddат белгиланди.

Депутатларнинг айтишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши карантин ости маҳсулотларини фитосанитар зарарсизлантириш фаолиятининг самарадорлигини оширишга йўл очади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Эндиликда ҳайвонлар идентификация қилиниши мумкин

Депутатлар томонидан кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — «Ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бўлди.

Мазкур қонун лойиҳасида ҳайвонлар ҳисобини юритиш, уларнинг насли билан боғлиқ ва соғлиғи тўғрисидаги ягона электрон тизимни яратиш белгиланаётди. Ҳайвонларни идентификация қилувчи, рўйхатга олувчи ва кузатувчи мутахассисларнинг, идентификация рақамини сақловчи атрибут ишлаб қиларувчи ва ҳайвон эгаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланб берилган.

Қонун ташаббускорларининг айтишича, қонун лойиҳаси билан жисмоний ва юридик шахслар томонидан сақланадиган (парвартиш қилинадиган) ва урчитилаётган йў ҳайвонлари — қорамол, қўй ва эчки, чўчка, от, эшак, туя, ит, мушукнинг идентификация қилиниши (визуал ёки электрон бирақаларни ҳамда электрон микрочипларни ҳайвонларга ўрнатиш) назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳаси ички ва ташқи бозор учун ҳайвонлардан олинадиган маҳсулот прогнози тўғрисида аниқ маълумотлар базасини шакллантириш, истеъмол учун чиқариладиган барча маҳсулот тўғрисидаги маълумотларни олиш, ҳайвон эгаларининг ҳайвонга эгаллик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш ҳуқуқларини янада қафолатлашга имконият яратади.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛЛАРИ ВА РЕСПУБЛИКА НУРОНИЙЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТИ

Қадрли ватандошлар! Жонажон Ўзбекистонимиз ўз давлат мустақиллигининг 33 йиллигини кенг нишонлаб, ана шу даврда босиб ўтган гот мураккаб ва шарафли йўлда эришган ютуқ ва марраларини чуқур тахлил ва сархисоб этиб, янада улкан вазифаларни белгилаб олаётган мана шу шукухли кунларда қалбларимизда Ватанга меҳр ва ифтихор, ўз куч ва имкониятларимизга ишонч туйғуси янада кучаймоқда.

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ишлаб қилган ва изчил амалга оширилаётган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси амалда қандай улкан натижалар бераётганини ҳар биримиз ўз ҳаётимиз ва фаолиятимизда яққол кўриб, ҳис этиб келмоқдамиз.

Қисқа муддатда мамлакатимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар йўналишлардаги тараққиёт суръатлари кескин ўзгариб, ангича сифат ва мазмун касб этиб, бекйёс қудрат ва шиддатга эга бўлиб бормоқда.

Энг муҳими, юртимизда давлат ва жамият таянчи бўлган халқимизга, унинг бунёдкорлик салоҳиятига муносабат тубдан ўзгарди.

Инсон, унинг эркин ва фаровон ҳаёти барча ислохотлар марказида турадиган бош мақсадга айланди. Инсон қадрини, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш Конституция ва қонунларимиз даражасида қатъий қоида сифатида мустаҳкамланиб, барча даражадаги давлат ҳокимияти органлари, раҳбар ҳодимлар фаолиятининг асосий мезони бўлиб бормоқда.

Иқтисодиётимизга жаҳон миқёсида устувор тенденцияга айланаётган рақамли ва “ашиш” технологиялар жадал кириб келмоқда. Мамлакатимизда тадбиркорлик ва ишбилармонлик мисли кўрилмаган даражада ривожланмоқда. Дунёда ва минтақамизда дўстларимиз ва ҳамкорларимиз кўпайиб, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори муттасил юксалиб бормоқда.

Хеч шубҳасиз, буларнинг барчаси ҳаётимизнинг турли хил соҳаларида илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган амалий натижалар бермоқда.

Ватанимиз ҳар томонлама тараққий этган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир инсон эркин яшаб, меҳнат қиладиган, замонaviй билим ва касб-хунарга эга фарзандларимиз ўз бахтини айнан шу заминда топадиган, дунёдаги энг гўзал, тинч ва фаровон мамлакат бўлишини барчамиз орзу қиламиз ва шу мақсад йўлида бутун борлиғимиз билан ҳаракат қилишга тайёриймиз.

Давлатимиз раҳбарининг олиб бораётган кенг кўламли, оқилона сиёсати, амалга ошираётган ислохотлари ана шу эзгу мақсадга қаратилгандир.

Шу йўлда Юртбошимизга камарбаста бўлиш — бу барчамиз интилаётган келажакни, оиламиз, фарзандларимизнинг бахту саодатини таъминлашнинг энг муҳим шарти ва гаровидир.

Хурматли юртдошлар!

Биз сиз, азизларга ана шундай эзгу даъватлар билан мурожаат қилар эканмиз, мухтарам Президентимиз томонидан Янги Ўзбе-

кистон тараққиёт стратегиясининг ажралмас бир қисми сифатида илгари сурилаётган ва кейинги йилларда махсус давлат дастури асосида амалга оширилаётган камбағалликни қисқартириш масаласига алоҳида эътиборингизни қаратмоқчимиз.

Давлатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак минбаридан юртимиз аҳолисининг муайян қисми ўртасида камбағаллик борлигини эътироф этиб, мамлакатимизда бу муаммони ҳал этишга қарор қилинганини жаҳон ҳамжамиятига эълон қилган эди.

Бу, ҳеч шубҳасиз, халқимизга бўлган юксак меҳр ва ғамхўрлик, Ўзбекистонни ривожланган давлатлар қаторига кўтариш йўлидаги қатъий ҳаракатларнинг яна бир ифодаси эди.

Учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этишдек тарихий миссияни зиммасига олган халқимиз етакчиси, аввало, бу мақсадлар йўлида аҳолининг кам таъминланган қатлами турмуш шароитини яхшилаш, унинг ҳаётдан рози бўлиб, бахтли яшашини ўзининг энг олий мақсади қилиб белгиланган миллиятимиз бахти эмасми?

Барчамизга маълумки, мухтарам Президентимиз камбағалликни қисқартириш бўйича муросасиз курашни бошлаган вақтда 7,5 миллион ёки жами аҳолининг 23 фоизи камбағаллик даражасида деб қайд этилган эди.

Камбағал фуқароларни кучли ва манзили ижтимоий ҳимоя қилишни назарда тутувчи қонунчилик асослари яратилди. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилди, “темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”, “меҳр дафтари” каби мутлақо янги ташкилий-ҳуқуқий механизмлар ишга туширилди.

Бу йўналишга сарфланаётган маблағлар миқдори йилдан-йилга изчил кўпайтирилди.

Хусусан, 2020 йилда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга 3,7 триллион сўм йўналтирилган бўлса, 2023 йилда 12,3 триллион сўм сарфланди. Сўнгги 3 йилда пенсия ва нафақалар миқдори ҳам 1,5 баравар оширилди.

Маҳаллада камбағалликни қисқартириш, тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш учун 35 триллион сўмлик арзон кредит ва 7 триллион сўм субсидия ажратилди, 260 минг гектар ер 800 минг аҳолига даромад топиши учун тарқатилди.

Ўтган даврда аҳолимиз сони 3,7 миллион нафарга кўпайиши билан бирга, камбағалликни белгилаш чегараси ҳам 1,5 каррага кўтарилди.

Самарали ва адолатли ижтимоий сиёсат ҳамда манзили ва аниқ чора-тадбирлар кўрилиши натижасида шу қисқа фурсатда 3,5 миллион аҳоли етарли даражада даромадли бўлди ва 2023 йил яқини билан камбағаллик даражасининг 11 фоизга тушишига эришилди.

Бу кўрсаткичлар Янги Ўзбекистоннинг бош шiori қилиб “Инсон қадри учун!” деган халқ-чип таъмoий белгилангани, аҳолининг ҳаётини эркин ва фаровон қилиш, одамларни шу азиз юрт равнаки йўлида сафарбар этишдек улғуниятни халқимиз нечоғли хайрихоҳлик ва ҳамжиҳатлик билан қарши олаётганининг яққол далилатидир.

Азиз ҳамюртлар!

Куни кеча Ўзбекистон Президенти камбағалликни қисқартириш масаласини яна бир бор ўта жиддий тарзда кун тартибига олиб чиқди. Мухтарам Юртбошимиз ташаббуси билан камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг энг муҳим масаласи бўлиб қолиши белгиланди.

Бу тарихий қарордир!

Бундан буён аҳоли даромадларини оширишдек эзгу мақсад давлат ҳокимияти органлари масъулларининг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида белгиланди.

Биз бугун Янги Ўзбекистон халқига мурожаат қилар эканмиз, шундай саволларни ўртага қўймоқчимиз:

Камбағаллик нима? У қандай пайдо бўлади ва унинг сабаблари нимада? Камбағалликни қандай қилиб энга оламиз?

Камбағаллик фақат қонунлар ва фармонлар чиқариш билан эмас, балки жамиятнинг умуммиллий сафарбарлиги, бирлиги, шундай истак ва интилиш билан яшаши ҳисобига камаяди.

Бундай фалсафий саволдан мақсад шукки, биз токи одамларнинг дунёқараши, ҳаётга муносабатини тўғри шакллантира олмас эканмиз, демак, аждодларимизга ҳос бўлмаган боқимандалик, ўзибуларчилик каби иллатлар бизни узоқ йиллар камбағалликда ушлаб тураверади.

Ўтган йиллар давомида камбағалликни қисқартиришга тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳам чуқур тахлил қилинди. Булар орасида барчамизнинг кўз ўнгимизда кенг оммалашаётган, халқимизнинг азалий урф-одатларига ёт бўлган дбдабадбозлик, исрофгарчиликлар, кимўзарга тўй-маъракалар ўтказиш, хашаматли иморатлар солиш кабиларни келтириб ўтши мумкин.

Мамлакатимиз аҳолисининг жадал суръатларда кўпаяётгани қанчалар қувонарли бўлса, навқирон авлодни ўқитиш, фарзандларни билимли, ҳаётга тайёр қилиб вояга етказишдек улкан вазифалар ҳам олдимизда кўндаланг турбдики, миллатнинг эртасини ўйлайдиган халқ бу масалаларни чуқур мулоҳаза, ўзаро елкадошлик ва ҳамжиҳатлик билангинга ҳал қила олишини барчамиз теран англайдиган вақт келди.

Шундай экан, мухтарам Президентимиз раислигида камбағалликни қисқартириш бўйича ўтказилган видеоелектор йиғилишида илгари сурилган ҳар бир масала ортида инсон тақдир, унинг эртанги куни, оила фаровонлиги ва пировард оқибатда юрт тинчлиги, ҳалоллик, адолат устуворлиги ва жиноятчиликнинг қамайиши тургани айна ҳақиқатдир.

Шундай экан, жамиятда ҳеч бир киши бу ишда бефарқ қараб туришга ҳақли эмас, деб ўйлаймиз! Ҳар бир маҳалла фаоли, мактаблар ва олий таълим соҳаси мутасаддилари ўз фаолиятини адолат нуктаи назаридан қайта кўриб чиқишлари зарур, деб ҳисоблаймиз.

Биз барча юртдошларимиз — тадбиркорлар, зиёлилар, касаба уюшмалари фаоллари ва нуронийлар, олимлар, ўқитувчи ва устозларни, иходкор зиёлиларни ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ҳар томонлама — нафақат моддий, балки маънавий, руҳий елкадош бўлишга чақирамиз.

Биз бу йўлда тадбиркорлар, ишбилармон-

ларнинг ҳар бир қўшган ҳиссасига давлатнинг алоҳида эътибори, имтиёзлари тизими шакллантирилганини, камбағалликда яшаётганларга берилган ҳар қайси кўмакнинг ҳисобда эканини алоҳида таъкидлаган ҳолда, аслида ҳар бир инсон ўз ҳамюртининг биродари ва дўсти, опаси ва акасидек яқин бўлишини англашнинг айнаи фурсати келганини таъкидлашни истар эдик.

Камбағаллик қулфатдир, у бир одамнинг эмас, жамиятнинг, халқнинг камчилиги, хатоси, эътиборсизлиги, лоқайдлиги ҳосиласидир ва унга қарши кураш барчамизнинг бурчимиз, деган қарашни ҳар бир инсон қалбига сингдиришни мақсад қилиб олишимиз зарур.

Чунки камбағалликда яшаш инсонни ҳаётдан совитади, унинг эртанги кунга умидини сўндиради, уни бефарқ ва мақсадсиз одамга айлантиради.

Бинобарин, бу муаммони бартараф этиш жамиятнинг барча аъзосига дахлдор масаладир. Азиз юртдошлар!

Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш бўйича олиб борилаётган ишлар кўлами ва натижалар қанчалик залварли бўлмасин, Давлатимиз раҳбари бу борада бутун халқимизга қаҳирқ билан чиқмоқда.

Президентимиз камбағалликни қисқартиришни умуммиллий ҳаракатга айлантириш ташаббусини илгари сурмоқда.

Бу масала бўйича махсус “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ишлаб чиқилмоқда.

Халқимиз сайлаган ҳар бир депутат, ҳукумат аъзоси, жойлардаги ҳокимдан тортиб, то “маҳалла еттилиги”га қадар бўлган масъуллар билиб олсинки, Давлатимиз раҳбари томонидан уларнинг фаолияти фақат ва фақат аҳолига яратаятган шароитлар, жойлардаги оддий халқнинг фаровонлиги билан баҳоланади.

Қадрили ватандошлар!

Биз шу азиз юртни чин қалбдан севадиган ҳар бир инсонни шу муқаддас ғоя, олийжаноб ташаббус атрофида бирлашишга чақирамиз.

Жамиятимизда йиллар давомида чуқур илдиоз олган камбағаллик “касаллиги”ни даволашда, келгуси бир йилда камбағалликни даражасини сезиларли равишда туширишда барчамиз бир ёқадан бош қариб, Давлатимиз раҳбари атрофида бирлашайлик!

Энг аввало, камбағалликка тушиб қолган ҳар бир инсонга муносабатимизни ўзгартирайлик! Бундай инсонларни бегона эмас, ўз биродаримиз, фарзандимиз қатори ардоқлайлик, уларга шу муқаддас Ватанга бўлган муҳаббат ҳиссини тарғиб қилайлик, имконимиз борича уларни муносиб яшаш учун рағбатлантирайлик, уларга ҳар жиҳатдан ёрдамлашайлик!

Жамиятимизда камбағалликни кескин қамайтириш бўйича мухтарам Президентимизнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, биз — касаба уюшмалари фаоллари ва республика нуронийлари куйндаги вазифаларни амалга оширишни белгилаб олмоқдамиз:

биринчидан, “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликда хонадонбай юриб, оила аъзоларининг биронтаси даромадли иш билан банд бўлмаган ёки оила бокучиси ягона бўлгани сабабли

огир ижтимоий аҳволга тушиб қолган оилаларнинг рўйхатини тузиш;

иккинчидан, ҳар бир туман ва шаҳарда 10 тадан эҳтиёжманд оилани камбағалликдан чиқариш бўйича комплекс чораларни амалга ошириш, хусусан, уларнинг соғлигини тиклаш ва ўқитишдан тортиб, доимий даромадга эга бўлишига қадар кўмаклашиб бориш;

учинчидан, кам таъминланган аҳолини кооперацияларга жалб қилиш, тадбиркорликка ва касбга ўргатиш, иш ўрни яратувчи тадбиркорлар билан ҳамкорлик ўрнатиш орқали ҳар йили 5 мингта янги иш ўрни яратиш;

тўртинчидан, меҳнат қилиб даромадли бўлиш истиғини билдирган ёшларни касбга ўргатиш, каммида 5 миллион сўм даромад қиладиган иш билан банд қилиш чораларини кўриш;

бешинчидан, ишлашга иштиёки бўлган, имконияти чекланган аҳоли вакилларининг 5 минг нафарига ногиронлик аравачаси ва бошқа реабилитация воситалари бериб, касалликларини даволашга кўмаклашиш, уларни даромадли касбларга ўргатиш ва камбағалликдан чиқариш;

олтинчидан, бир йилда 5 минг нафар ногиронлиги бўлган болани реабилитация марказларида даволашга кўмаклашиш;

еттинчидан, эҳтиёжманд оилаларнинг иқтидорли йигит ва қизлари мамлакатимиз ва хорижий университетларга грантни кўлга киритиши учун ёрдам бериш, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясида ҳар йили 100 нафар эҳтиёжманд фуқаронинг фарзандини ўқитиб, уларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш;

саккизинчидан, кам таъминланган оилаларнинг 4 минг нафар фарзандини болалар оромгоҳларида бепул соғломлаштириш;

тўққизинчидан, кам таъминланган оилаларнинг 100 нафар фарзандини сув спорти мажмуаларида бепул соғломлаштириш;

ўнинчидан, 1 минг нафар эҳтиёжманд фуқаро ва 1,5 минг нафар ёлғиз нуронийни тизимдаги санаторийларда бепул соғломлаштириш;

ўн биринчидан, 10,5 минг нафар нуронийнинг саломатлигини тиклаш учун спорт комплексларига абонемент харажатларини қоплаб бериш;

ўн иккинчидан, ҳар йили Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фронти фахрийлари, ўзгалар парварishiга муҳтож бўлган ёлғиз кексалардан 37 минг нафарининг ҳолидан хабар олиш, уй-йўш шароитларини яхшилаш;

ўн учинчидан, нуроний ва эҳтиёжманд 200 минг нафар фуқарони юртимизнинг сўлим гўшаларида дам олишларини ташкиллаштириш, шу ерда уларга тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш бўйича мотивацион семинарлар ташкиллаштириш.

Хурматли ватандошлар!

Бу эзгу йўлда қайси касбу кор эгаси, қайси миллат ва элат фарзанди бўлмасин, ҳеч ким четда қолмаслиги керак!

Шу мақсадда барчамиз бирлашиб, юртимизни обод ва фаровон мамлакатга айлантирайлик!

Зеро, “Биз бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — Ватанмиз!”

МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ АСОС ОМИЛИ

Одам савдоси жиноятини содир этганларга қучайтирилган жазо чоралари қўлланилади

Депутатлар “Одам савдоси жинояти учун жазо чоралари қучайтирилаётганига муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жноят кодексининг 135-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Мажлисида бугунги кунда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ҳамон содир этилаётгани айтилиб, бу каби инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун мутаносиб санкциялар белгиланмагани уқтирилди.

Шу боис мазкур қонун лойиҳаси билан Жиноят кодексига одам савдоси жиноятини содир этганларга нисбатан жазо чораларини қучайтириш билан боғлиқ ўзгартириш киритиш назарда тутилмоқда. Жумладан, ҳомиладор аёлга нисбатан содир қилинган одам савдоси, шунингдек, муқаддам одам ўрилаш жиноятига қўл урган шахслар томонидан одам савдоси жиноятининг содир этилишини огирлаштирувчи ҳолат сифатида белгилаш тақлиф қилинапти.

Қонун лойиҳасининг қўллаб-қувватланиши одам савдоси жинояти содир этилишининг олдини олишга, болалар ва хотин-қизлар ҳуқуқлари билан боғлиқ халқаро индексларда мамлакатимизнинг ўрнини яхшилашга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Суғурта қилдирувчиларга имтиёзлар

Мажлисида суғурта қилдирувчиларни мажбурий суғурта турлари бўйича келиб чиққан низоларда давлат божидан озод этишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан суғурта қилдирувчиларни мажбурий суғурта шартномаларидан келиб чиқадиган даъволар бўйича давлат божини тўлашдан озод этиш орқали уларга янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида, “Давлат бош тўғрисида”ги Қонунга қўшимчалар киритиш тақлифи илгари сурилмоқда. Унга кўра қонуннинг 8 ва 9-моддалари суғурта қилдирувчилар (суғурталанган шахс, наф олувчи, жабрланувчи) мажбурий суғурта турлари бўйича келиб чиққан низоларда давлат божидан озод этилишини назарда тутувчи нормалар билан тўлдириляпти.

Мажлисида депутатлар томонидан мазкур қонун лойиҳаси истеъмоличларнинг мажбурий суғурта турлари бўйича суғурта ҳодисаларида келиб чиққан низолар юзасидан судга даъво аризалари киритгандан давлат божидан озод қилинишига сабаб бўлиши қайд этилди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

19-20 сентябрь кунлари Тошкент ва Хоразмда Ўзбекистон — Эрон ишбилармонларининг бизнес форуми бўлиб ўтади.

1 2 3 4 5 6